



Савол:

«Кимки, нардашир ўйнаса худди кўлини чўчка гўшти ва конига ботириб бўяган кабидир» дегувчи хадисни ўқидим. Яна шу маънода нарда ўйнаш хоромдир деган жумлани ўқидим ва менда муҳим савол тугилди: Барча ўйин турлари – хатто, гарчи фойдали бўлган, хусусан бу ерда, нардага асосланган исломий ўйинлар бор – мана шу ўйинларнинг барчаси харом килинганми? Ёки харомлик баъзи хос ўйинларга тегишлими? Шу масала шарҳида кенгрок тўхталинса деган умиддаман

Жавоб:

Алхамду лиллаҳ. Ўйинлар икки қисмдир.

Биринчи қисм: Аллоҳ йўлида жиход қилишга ёрдам берувчи ўйинлар. Хох у қўл жиходи (жанг), хох тил жиходи (илм) бўлсин. Мисол учун сузиш, отиш, отга миниш.

Куч-қувватни ўстиришга, шаръий, илмий маърифатни оширишга қаратилган ўйинлар, ёки шуларга боғлиқ қўшимча мулҳакотлар. Мазкур ўйинлар мустаҳаб бўлиб, булар билан ўйнагувчи нияти яхши бўлса масалан динга ёрдам беришни, унинг галабасини истаса, ажру-савобга эга бўлади. Росулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам айтадилар: «Эй Баний Аднон отинглар, чунки отангиз мерган бўлган». Отишга шунинг маъносидаги барча нарсалар киёс қилинади.

Иккинчи қисм: Жиходга ёрдам бермайдиган ўйинлар. Булар икки турдир.



Биринчи тур: Нас (шариъат матни яъни оят ёки хадис) нахий билан (кайтарув билан) ворид бўлган ўйинлар. Масалан саволда айтилган нардашир ўйини. (Яъни нарда ўйини) Муслмон киши бундан сакланмоги лозим.

Иккинчи тур: Нас – амр билан ҳам, нахий билан ҳам ворид бўлган ўйинлар. Булар икки хилдир:

Биринчи хили: Харомни ўз ичига олган ўйинлар. Хайкаллар, жонли сувратларни ўз ичига олган ёки мусикаси бўлган ўйинлар ёхуд низо-жанжалга ва ёмон гаплар, разил феълларга тушиб қолишга олиб бориши кишилар ўртасида маълум бўлган ўйинлар. Булар нахий килинган ўйинлар таркибига киради. Сабаби буларда харом килинган нарсанинг доимий борлиги ёки харомга васила бўлгани учун. Чунки бир нарса кўпинча харомга васила бўлса уни тарк этиш лозимдир.

Иккинчи тури: Харомни ўз ичига олмаган, кўпинча харомга олиб бормайдиган ўйинлар. Футбол, волебол, стол тенниси ва бошқа бизлар кўп гувоҳи бўлаётган ўйинлар каби. Бу ўйинлар куйидаги шартлар билан жоиз бўлади:

Биринчи шарт: Кимордан холи бўлиши. У ўйинчилар ўртасидаги гаров.

Иккинчи шарт: Бу ўйинлар Аллохнинг вожиб зикри – намоздан ёки ота-онага яхшилик килиш каби хар қандай вожибдан тўсик бўлмаслиги.

Учинчи шарт: Ўйинчининг ҳамма вақтини банд қилиш у ёқда турсин, аксар вақтини ҳам банд этмаслик. Ёки одамлар ўртасида шу билан



танилмаслик ёхуд ўйин унинг вазифаси-амали бўлмаслик.

Чунки бундай кишига Аллоҳ Таъолонинг «**Динларини беҳуда ва ўйинга айлантириб, дунё ҳаёти алдаб кўйган кимсалар, бас, бугун биз уларни унитамиз**» деган сўзи тўғри келишдан кўрқилади.

Охирги шартнинг маҳдуд миқдори бўлмай балки у мусулмонлар урфига кўйилади. Кўп десалар ўша ман қилинган бўлади. Инсон ўзи ҳам умумий вақтига нисбатан ўйин вақтига ҳад кўйса бўлади. Агар ярмига, учдан бирига ёки тўртдан бирига тўғри келса у кўпдир.

Валлоҳу субҳанаҳу Аълам.

Ҳолид ал-Мажид

(Имом Мухаммад ибн Сауд номли Исломий жомиянинг шариъат куллийясида тадрис хайъатининг аъзоси)

ИНТ таржимаси